



Journal of Natural Science

№4
(2021)

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ХАЙЪАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Кодиров Т- к.ф.д, профессор4. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор5. Султонов М-к.ф.д, доц6. Яхшиева З- к.ф.д, проф.в.б.7. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.8. Хакимов К –г.ф.н., доц.9. Азимова Д- б.ф.н.10. Мавлонов Х- б.ф.д., доц11. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.12. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)13. Мухаммедов О- г.ф.н., доц14. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)15. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц16. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чикарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**ВИЛОЯТИМИЗГА ИҚЛИМЛАШГАН ПАВЛОВНИЯ ЎСИМЛИГИ
БИОЭКОЛОГИЯСИ**

Қаршиев Очилбой-ЖДПИ биология йўналиши II-босқич магистри

Аннотация: Ушбу мақолада шахримизда, Павловния ўсимлигининг биоэкологик, иқтисодий хусусиятлари, ҳосилдорлигини ошириш ва улардан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалалар билан таништириш.

Калит сўзлар: ўсимлик, етиштириш, биология, уруғ, дарахт, ботаник оиласи.

Аннотация: В данной статье в нашем городе познакомим с вопросами, связанными с биоэкологическими, экономическими свойствами растения Павловния, повышением урожайности и их эффективным использованием.

Ключевые слова: растение, выращивание, биология, семя, дерево, ботаническое семейство.

Abstract: In this article in our city we will introduce you to the issues related to the bioecological, economic properties of the Paulownia plant, increasing yields and their effective use.

Key words: plant, cultivation, biology, seed, tree, botanical family.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарорнинг 4-илова 22.1 бандига, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда павловнияни кенг қўллаш, шу жумладан мамлакат ҳудудларида павлония экиладиган майдонларни кенгайтириш бўйича алоҳида топшириқ берилган. Республикамизни адир минтақаси сугориладиган ерларида павловния ўсимлигининг биоэкологияси, етиштириш технологияси, уруғларининг униш биологияси, ҳаётчанлиги, маданий ҳамда дала унумчанлигини, яшовчанлигини, уруғ ва илдиз ҳосилдорлигини аниқлаш ва ёғочидан унумли фойдаланиш каби вазифалар амалга оширилади. Республикамизнинг адир минтақаси сугориладиган ерларида павлонивнияни етиштириш технологияси ишлаб чиқилади; уруғдан ва вегетатив усулда кўпайтириш ишлари ишлаб чиқилади, кўчатзорлар (питомник) ва плантациялар ташкил этилади.

Ушбу доривор ўсимликларни плантацияларини яратиш бўйича агротехник тадбирлари ишлаб чиқилади. Павловниянинг жуда кўп турлари ва навлари мавжуд. Биз барча турларини кўриб чиқамиз, лекин қимматили хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда етиштириш учун энг истиқболли бўлган турлар устида кўпроқ тўхталамиз.

Paulownia catalpifolia – Каталпа Павловнияси ёки Ёйдоқ Павловния

Paulownia elongata – Узунчоқ Павловния.

Paulownia fargesii – Фарғез Павловнияси.

Paulownia fortunei HEMSL. – Фартуней Павловнияси.

Paulownia kawakamii – Каваками Павловнияси.

Paulownia tomentosa STEUD. – Толали Паловния.

Paulownia Shan Tong – Шан Тонг Павловнияси.

Ҳақиқатдан ҳам бу дарахт (*Paulownia*)- дунёда энг чиройли 20 та жой олган йирик баргли кўнгироксимон гулли хушманзара дарахтдир. Унинг бўйи 20-25 метргача етадиган, шох-шаббаси ёйик бўлиб ўсадиган дарахтдир. Павловния барг тўкадиган, ниҳоятда манзарали ўсимлик бўлиб, барглари тузилган ниҳоятда йирик, кенг овал шаклда бўлиб, катталиги 30 см дан 100 см гача бўлади. Павловния Япония, Шарқий Хитой, Қора денгиз атрофларида кенг тарқалган. Павловния дарахтининг ёғочи жуда энгил, солиштирма ҳажм огирлиги 0.23г/см³. У Японияда саноат миқёсида етиштирилади. Павловнияни ўсишини терак билан солиштирилганда теракдан икки ҳисса тез ўсади, икки ойда павловния кўчати 1-1,5 метргача, олти ойдан сўнг 3-4 метрга, бир йилда эса 5-6 метрга, уч йилда 14-15 метрга 7-8 йилдан кейин дарахтни кесиб юқори сифатли ёғоч олиш мумкин. Ҳозирда ушбу дарахт тури уругдан, каламчасидан, биотехнологик усулида лаборатория шароитида кўпайтирилмоқда, илдизидан бачкилайди. Уруглари жуда майда бўлиб 1000 донасининг массаси 0,24-0,25 граммни ташкил қилади. Павловния дарахтининг уруглари жуда майда бўлиб 1 грм. да 4 минг донагача уруг бўлади. Уругларининг унувчанлиги 70- 75 фоизни ташкил этди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида павловния уругларини энг яхши экиш муддати декабр ойи эканлаги аниқланди.

Шаҳримизда павловния ўсимлигининг Ўзбекистонда етиштириш учун энг истиқболли бўлган Шан Тонг Павловнияси (*Paulownia ShanTong*) дурагайи танлаб олинди. Шан Тонг дурагайида совуққа чидамлилиқ, тез ўсиш, тананинг тўғри ўсиши, дарахт тожининг узунчоқ шакли ва чиройли гуллаши каби белгилар мужассамлаштирилган. Тадқиқотлар натижасида Шан Тонг Павловнияси биоэкологияси, кургоқчиликка ва совуққа чидамлилиги, касалликларга, паразитларга, хашаротларга чидамлилиги, кенг ареалга мослашуви, кесилгандан кейин тез қайта ўсиш хусусиятиини аниқлаш ва аъло сифатли ёғоч олиш ундан фойдаланиш каби вазифалар амалга оширилади. Республикамининг адир минтақасидаги бўш ерларида павлонивнияни етиштириш технологияси ишлаб чиқилади; уругдан ва вегетатив усулда кўпайтириш ишлари олиб борилиб, кўчатзорлар (питомник) ва плантациялар

ташкил этилади. Ушбу ёғочбоп, манзарали ва асал-ширели ўсимлик плантацияларини яратиш бўйича агротехник тадбирлари ишлаб чиқилади.

Ҳозирда павловния кўчатларини вегетатив кўпайтиришда биргина муаммо, павловния дарахтлари ҳали республикада кам бўлганлиги сабабли яшил қаламчаларни кўп миқдорда тайёрлаш имконияти йўқлигидадир. Ушбу тажрибаларда Павловния дарахти кўчати ва ниҳолларини республикада етиштириш имконияти жуда юкорилиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лесное хозяйство Российская Федерация. Лес Пром Информ- статья
2. International Journal of Agricultural Science and Bioresource Engineering Research The USA. Society of Agricultural Science - article
3. Вавиловский журнал генетики и селекции, Экологическая генетика– статья
4. American Journal of Plant Science The USA. Scientific Research Press-article
5. Journal of Agricultural Sciences The USA. Cambridge University Press-article
6. International Journal of Agricultural Science and Bioresource Engineering Research The USA. Society of Agricultural Science-article